

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Муҳаммад ал -Хоразмий авлодлари” илмий-амалий журнаliga мақолалар қабул қилиш бошланди! 2017 йил 25 майгача белгиланган тартибда мақолаларни жўнатишингиз мумкин..

Журналдаги руқнлар:

1. “Дастурий ва компьютер инжинеринг технологияларининг замонавий муаммолари”;
2. “Оптик алоқа тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимларининг ривожланиш тамойиллари”;
3. “Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш, симсиз технологиялар, радиотехника ривожланиш истиқболлари”;
4. “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг иқтисодий масалалари”;
5. “Электрон ҳукумат”;
6. “Илмий ахборотлар”;

Шу билан бирга журналда:

- иқтисодиётини иқтисодий таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича чоп этилган монографиялар таҳлили ва тақризи;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Олий аттестация комиссияси” хабарлари, тавсиялари, докторлик ҳимоясига доир тавсиялар;
- ТАТУ ва бошқа техника олий ўқув юртлари олимлари томонидан нашр этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялари, рисоалар ва уларни сотиб олиш бўйича эълонлар;
- Ёшларни илмий мушоҳада қилишга, изланишга йўналтирувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи илмий ва оммавий кроссворд, тестлар ва бошқалар бериб борилади.

Мақолани расмийлаштириш талаблари:

1. Мақола матни “MS Word” дастурида “Times New Roman” шрифтида 14 ўлчамда терилган бўлиши;
2. Мақола ҳажми бир интервалда босилган матн ҳисобида (жадваллар, расмлар ва адабиётлар рўйхати билан биргаликда) 5 бетдан ошмаслиги; *(айрим ҳолларда, агар муайян мавзу бўйича мақолага буюртма берилган бўлса, мақола ҳажми кўпроқ бўлиши ҳам мумкин)*

3. Варақ ўлчами: 210x297 мм (А4 - формат), расм (схема, график)ларнинг ўлчамлари 6x9 см дан ошмаслиги керак. Матн чегараси ўлчами: чапдан ва ўнгдан – 2,5 см, юқоридан - 2,0 см, пастдан – 3,0 см бўлиши;
4. Мақоладаги материалларда энг зарурий статистик ҳисоб-китоб ифодаларигина берилиши керак (*мақолада муаллифнинг лойиха натижалари акс этириши тавсия этилади*).

Матнни расмийлаштириш:

1. Мақола бошида УДК, кейинги қатордан (берилган ўлчамда бош ҳарфда, ўртада, қалин қилиб) мақоланинг номи, ундан кейинги қаторда муаллиф(лар)нинг исм-шарифи ва фамилияси, кейинги қаторда муаллифнинг иш жойи (ОТМ, ташкилот, муассаса номи) кичик босма ҳарфда терилади. Кейинги қатордан 5-8 қатор ҳажмдаги мақола аннотацияси мос равишда ўзбек, рус ва инглиз тилларида (курсивда) ёзилади. Кейинги қаторда 8-10 та сўздан иборат таянч иборалар баён тилида берилади. Бир интервалдан сўнг мақола матни терилади;
2. Мақола бўлим ва пунктларга бўлиниши мумкин. Бўлимларнинг номи қалин шрифтда алоҳида қаторда тегишли равишда кичик босма (қалин) ҳарфлар билан терилиб, матн чап томонидан текисланади. Пунктлар номи матннинг биринчи қаторига (қалин қилиб) киритилади;
3. Адабиётлар рўйхати мақола охирида, матндаги ҳаволалар кетма-кетлиги тартибида берилади. Адабиётлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилади: а) журналда босилган мақолалар учун - муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, мақоланинг номи, журналнинг номи, нашр йили, сони ёки қисми ва бетлари; б) китоблар учун - муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, китобнинг номи, нашр жойи (шаҳар), нашриёт номи, нашр йили, бетлари;
4. Алоҳида қоғозда муаллифларнинг фамилияси ва исми-шарифлари, мақоланинг номи ўзбек, рус, инглиз тилларида берилиши шарт;
5. Таҳририят барча мақолаларни тақризга юборади;
6. Тақриздан кейин мақола қайта ишланганда, унинг биринчи бетига қайд рақами, санаси, ва “қайта ишлангандан кейинги мақола” деган белги кўрсатилади, қайта ишланган мақола тақризчининг барча савол ёки эътирозларига муаллифнинг берган жавоблари тиркаб қўйилади. Таҳририятга мақоланинг охириги матни топширилган вақт мақоланинг таҳририятга тушган куни ҳисобланади.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишга қабул қилинмайди. Чоп этишга қабул қилинмаган мақолалар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолани кўриб чиқиш натижаларини муаллиф мақола таҳририятга келиб тушган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин 2386507 телефони орқали билишлари мумкин. Журнал ҳар кварталда чиқади.

Таҳририят манзили: 100090. Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Б бино, 22-хона. тел: 2386507 Минглиқулов Зафар, тел.: 2386438 Рахимов Бахтиёр.

Электрон почта: info@tuit.uz, mingliqulov@umail.uz